

Биъру маъуна ҳодисаси



15:00 / 29.12.2020 1511

Сафар ойининг ўзида мушриклар томонидан мусулмонларга қарши яна бир хиёнат уюштирилди. Ҳодисанинг тафсилоти қуйидагича:

Мадинага Нажднинг Бану Омир қабиласи катталаридан Омир ибн Молик исмли киши келди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга Исломни таклиф қилдилар. У Исломни қабул ҳам қилмади, рад ҳам. Балки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Агар саҳобаларингиздан баъзиларини Наждга юбориб, уларни ўз ишингизга даъват қилсангиз, қабул қилишармикан, деб умид қиламан», деди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен уларга Нажд аҳли зарар етказишидан хавфсирайман», дедилар.

«Уларни мен ўз ҳимоямга оламан. Сиз уларни ўз ишингизга даъват қилиш учун юбораверинг», деди Омир ибн Молик.

Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг гапига ишониб, Бухорий ривоятига кўра, саҳобаларининг энг сараларидан етмиш кишини Мунзир ибн Амр розияллоҳу анҳу бошчиликларида юбордилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкур етмиш кишилик саҳобалар гуруҳи бошлиғи Мунзир ибн Амр розияллоҳу анҳуга Бану Омир қабиласининг бошлиғи Омир ибн Туфайл учун мактуб ҳам ёздириб бердилар. Мактубда мазкур гуруҳ уруш учун эмас, даъват ва таълим учун

юборилгани баён қилинган эди.

Қабила бошлиғи Омир ибн Туфайл Бану Сулайм қабиласининг Усайя, Риъл ва Заквон уруғларини мазкур саҳобалар гуруҳини қириб ташлашга чақирди. Қабилаларнинг баъзилари ҳалиги Омир ибн Моликнинг мусулмонларни ўз ҳимоясига олганини эътиборга олиб, уларга қарши хиёнатда иштирок этишга кўнишмади.

Қабила бошлиғи Омир ибн Туфайл эса бошқа баъзи хиёнаткор қабилалар ёрдамида саҳобалар гуруҳини «Биъру Маъуна» қудуғи ёнида ўраб олиб, ҳаммаларини шаҳид этди. Саҳобалардан фақат бир киши ўлмай қолди. У киши чалажон бўлиб ётганида мушриклар учун ўлик деб ўйлаб, қолдириб кетишган Каъб ибн Зайд розияллоҳу анҳу эдилар.

«Ислом тарихи» биринчи китобидан